



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

49 (266) 2013 йил 11 декабрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда. Бу борада партия фаолиятида маълум тажрибалар шаклланди

2 СИЁСАТ



Бухоро давлат университетида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган давра суҳбатлари, учрашувларда ўқитувчи ва талабалар фаол қатнашмоқда

6 ЖАРАЁН



Ўзбекистон маданияти ва санъати кўرғазмалар зали бой тарихий меросимиз, миллий маданиятимиз дурдоналари ва замонавий санъат асарларини тарғиб қилишга хизмат қилади

8 МАЪНАВИЯТ

Хабарлар

Болалар саломатлиги — доимий эътиборда
Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўптармоқли тиббиёт маркази капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Марказда 2013 йил инвестиция дастурига кўра, 1 миллиард 660 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 185 ўринга мўлжалланган 3 қаватли иккита даволаш корпуси капитал реконструкция қилинди. Маслаҳат поликлиникаси ва 30 ўринга мўлжалланган неврология бўлими иморатлари янгидан қурилди. Бунёдкорлик ишлари 1-«Қорақалпоққурилиш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан олиб борилди.

— Муассасамизда болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида 40 нафар шифокор самарали меҳнат қилмоқда, - дейди бош шифокор Алима Матқаримова. — Уларнинг 2 нафари фан номзоди, 18 нафари эса олий тоифали шифокордир. Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги юксалмоқда.

Болалар тиббиёт марказининг гематология, неврология, жарроҳлик, кардиология, ортопедия бўлимлари, УЗИ, ЭКГ, ички дорихона, физиотерапия хоналарида шифокорлар ва беморлар учун барча зарур қулайликлар яратилди.

Ақл ва иқтидор мусобақаси

Пойтахтимизда «Камолот» шахмат тахтаси VI аънавий республика турнирининг финал босқичи бошланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирнинг жорий йилги саралаш босқичларида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 245 минг нафар ўқувчи қатнашди. 100 нафардан зиёд ўқувчи мусобақанинг финал босқичида ғолиблик учун ўзаро баҳslashмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, уларни спортга кенг жалб этиш бўйича қатор лойиҳалар, спорт мусобақалари, ижодий танловлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Камолот» маликаси, «Камолот» ниҳоллари, «Камолот» ғунчалари, бадминтон, каратэ бўйича «Камолот кубоги», велоспорт бўйича «Камолот-тур» мусобақалари, «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз!» марафони ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётди. Бу жараёнда таниқли спортчилар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, маҳорат сабоқлари ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини янада оширмоқда.

«Камолот» шахмат тахтаси VI аънавий республика турнири доирасида иштирокчиларнинг таниқли шахматчилар билан учрашувларини ўтказиш, шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатларини уюштириш режалаштирилган.

“Кўп партияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор”.

Муносабат

Ҳар бир партиянинг ўз йўли ва ўрни бўлсин

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ана шундай талаб ва истакни билдирди

Президентимиз маърузасини эшитган ҳар қандай киши тарихан қисқа муддат ичида барча соҳаларда эришилган натижаларимиздан қувонмаслиги, гурулланмаслиги, тўққиланмаслиги мумкин эмас. Унда, хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ислохотлар жараёнининг мантикий ва асосланган давоми бўлди. Мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тизимни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқаро, жамият ва давлатнинг жамият ишларини бошқариш учун масъулиятини тубдан ошириш, ҳокимият тизимининг очиқлигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун барча зарур шароитлар яратилди. Инчу-

нин мамлакатимизнинг демократик ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши учун барча имкониятлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг роли, партиялараро рақобат, баҳс-мунозараларнинг аҳамияти, депутатлик корпусининг фаолияти масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

2-бет

Танлов

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия «Ёшлар қаноти» етакчилари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати

Конституцияга бағишланган мақолалар танлови ғолиблари аниқланди

Тадбирда таъкидланганидек, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги энг дастлабки қадам Конституцияни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи инсонпарвар, халқчил Комус си-

фатида барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Асосий Қонунимиз миллий қадриятларимиз асосига қурилгани, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган жиҳатларини ўзида акс эттиргани билан ажралиб туради. **4-бет**

ЎзМТДП дастури — амалда

Оилавий тадбиркорлар кўرғазмаси

ЎзМТДП «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган тадбир миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашга қаратилди

Миллий халқ хунармандчилиги халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, десак муболаға бўлмайди. Айнан хунармандчилик воситасида ота-боболаримиз рўзгорига қут-баракат кирган, турмуши обод, дастурхонлари тўкин бўлган. Азалдан юртимизда миллий хунармандчиликнинг кўп-кўп турлари билан шуғулланиб, оила фаровонлигини таъминлаш анъанана айланган. Истиқлол йилларида бу анъана янада ривож топиб, унинг кўлами кенгайди. Энди юртимиз хунармандлари ўз маҳсулотлари билан нафақат оилалари, балки бутун мамлакатимиз аҳли фаровонлигига ҳисса қўшиб, хорижликларнинг ҳавасу ҳайратига мушарраф бўлмоқда.




Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика «Хунарманд» уюшмаси ва Ўзбекистон Маданият ва санъат кўрғазмаси ҳамкорлигида «Миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашда оиланинг роли» мав-

зусидаги оилавий тадбиркорлар кўрғазмаси айна мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони

ҳодимлари, «Аёллар қаноти» етакчилари, хунармандлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

3-бет

Диққат, обуна!
«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.
Индекс: 158



«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Муносабат

Хар бир партиянинг ўз йўли ва ўрни бўлсин

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ана шундай талаб ва истакни билдирди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига берилган баҳо ва билдирилган муносабат «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари, шу жумладан, унинг фракцияси аъзоларига ҳам тегишлидир.

ЎЗМТДПнинг аҳолининг муайян қатламларига қаратилган лойиҳаларини амалга оширишни давом эттиришга доир фаолиятини янада кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиш ҳамда бўлажак сайловларга тайёргарлик бора-сида барча йўналишларда янгича ёндашув ва

муносабатни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. ЎЗМТДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг маърузалари чуқур таҳлил қилинган ҳолда олдимизда турган бугунги кундаги устувор йўналишлар, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ишончимиз комилки, партиямиздан сайланган ҳар бир депутат ўзига юкланган катта масъулиятни, аввало, сайловчилар, Ватан олдидаги бурчини чуқур ҳис этган ҳолда фаолият олиб боришни юксак вазифа деб билади.

Улугбек ЖАЛМЕНОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Қарор ва ижро



(ЎЗА) олган сурат.

Чет тилларни ўқитиш такомиллашмоқда

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёш авлодни чет тилларга ўқитиш тизимини сифат ва мазмун жиҳатдан тобора юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бераётган самараларни янада оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ш.Қаюмов ва бошқалар Президенти

дентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг юксак маънавият, билим ва тафаккур соҳиб бўлиб вояга етиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг номи кайд этилган қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида хорижий экспертлар билан ҳамкорликда чет тиллар бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрталарининг етакчи олимлари, хорижий мутахассислар иштирокатида инглиз, немис, француз, испан тиллари бўйича дарслик-

лар яратишга оид муаллифлар гуруҳи шакллантирилиб, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Талабалар учун инглиз тили бўйича дарсликлар янгича шакл ва мазмунда, замонавий аудио-видео материаллари билан ишлаб чиқилмоқда. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичи учун таълимлаштирилган дарсликлар яратилди. Мазкур университет ҳамда 18 турдош олий ўқув юрталарининг экспериментал гуруҳларида инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича изчил ишлар бажарилмоқда.

Шунингдек, инглиз, немис, француз ва испан тиллари бўйича тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилиб, таълим тизимининг барча бўғинлари учун мураббийлар тайёрланди.

Йиғилишда хорижий тилларни ўқитишнинг илгор усул ва технологияларини амалиётга жорий этишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ёшлар билан учрашув

Тошкент вилояти адлия бошқармасида ёшларни суд органлари тизими фаолияти билан яқиндан таништиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик судларининг судьялари, талаба ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини яна-

Ўқув-семинар



ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР

фаолиятимиз самарадорлигини белгилловчи муҳим мезондир

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда жамият ҳаётини янада демократлаштиришга қаратилган бир қатор янги қонунлар ишлаб чиқиш масаласи билан бирга сиёсий партиялар олдида ҳам муҳим ва долзарб вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини бугунги замон талаблари асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари янги лойиҳалар устида иш олиб бориб, тарғибот-ташвиқот тадбирлари, кадрлар малакасини ошириш ҳамда мафкуравий-маънавий йўналишдаги фаолиятини янги босқичга кўтаришга интиломоқда. Таъкидлаш жоизки, партиянинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада оширишда партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар ҳамда депутатлик бирлашмаларининг фаоллиги, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий билим ва кўникмаларининг юксаклиги муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган “Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги беш кунлик ўқув-семинар партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш ва фаоллигини оширишга қаратилганлиги билан алоҳида ўрин тутди. Ўқувнинг навбатдаги иштирокчилари - ЎЗМТДП Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоят Кенгашлари Ижроия Кўмитаси девони ходимлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва мутахассисларнинг турли йўналишдаги маърузаларини тинглаб, ўз билим ва тажрибаларини оширишга муваффақ бўлишди.

Ўқув-семинарда таъкидланганидек, партиямиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интиломоқда. Бу борада ЎЗМТДП фаолиятида маълум тажриба шаклланди. Хусусан, партия сайлов олди Платформасида белги-ланган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш юзасидан партиямиз ўзига хос йўналишга эга бўлмоқда. Галдаги вазифамиз тажрибаларимизни янги поғонага кўтариш, партия тизимида иш самарадорлигини янада ошириш-

дан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимлар салоҳиятини юксалтириш, етук малака, билим ва ташаббускор кадрларни жалб этиш партия тизимида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ривожига ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳузурида ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш йўналишида экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, бугунги кунда мазкур гуруҳ аъзолари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Партия кадрлари салоҳиятини юксалтириш 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этишимизни таъминлайди. Эътироф этиш жоизки, ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда кўпчилик ўринини эгаллаш сайловчилар ишончини қозониш баробарида партиямиз нуфузи ортишига ҳам хизмат қилади. Шу боис, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Бу, ўз навбатида, марказий ва ҳудудий партия ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларимиздан янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси даврида партия вакиллари томонидан турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим бўлади. Бундай муҳим сиёсий жараёнлар партия тизимидаги кадрлардан етакчилик қобилияти ва нотижли маҳорати эга бўлишни талаб этади.

— Партия гоёси, мафкураси, дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасини тарғиб-ташвиқ қилишда партия вакиллари, тарғибот гуруҳлари аъзолари ва депутатликка номзодларнинг нотижли маҳорати етакчи ўринда туради, - деди семинарда маърузачилар қилган ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Маълумки, нотиж тажрибали сиёсатдон бўлиши, шу билан бирга илм-фан, адабиёт ва санъатдан хабардор бўлиши, халқнинг миллий руҳияти, анъаналари ва урф-одатларини яхши билиши лозим. Шунингдек, партиямиз тарихий мерос, миллий қадриятларни ҳимоя қилиш, “Юксак маънавият — энгилмас куч” гоёсини амалга оширишни мақсад қилган ва зиёлиларни ўзининг асосий ижтимоий қатлами деб билар экан, фаолларимиз нутқ сўзлаганда, оммавий ахборот воситаларига интервью берганда, албат-

та, ўзбек тилининг адабий нормаларига риоя қилиши талаб этилади.

Партия вакиллари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси гоё ва мақсадлари ҳақида гапирганда, энг аввало, ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, менталитети, маънавий дунёқараши ва қадриятлари ҳамда ёш авлоднинг миллий қадриятлар асосида тарбиялаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ва ички бозорларимизни хорижий сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, туризмни ривожлантириш, хунармандлар ва халқ усталари, касаначилар, оилавий тадбиркорларни

қўллаб-қувватлаш каби масалаларга эътибор қаратишлари лозим, - деди нотиж.

Семинар иштирокчилари ўқув давомида партия гоёларини тарғиб қилишнинг усул ва воситалари, жамоатчилик билан алоқалар, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш, ЎЗМТДПнинг иқтисодий йўналишдаги вазифалари юзасидан маърузалар тинглашди. Шунингдек, интерактив машғулотлар воситасида партия вакиллари ўз фаолиятларида зарур бўладиган билим ва малакага эга бўлдилар.

СЎЗ — ЎҚУВ-СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА:

Ҳакима НАЗАРОВА,
ЎЗМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ўқув-семинарнинг навбатдаги 2014 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнига тайёргарлик кўришимизда муҳим ўрин тутуши билан аҳамиятлидир. Ўқув мобайнида сайлов қонунчилиги, сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш борасида қатор маърузалар тингладик. Бу, ўз навбатида, партия ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг сайлов кампанияси даврида фаоллик кўрсатишига, етакчилик қобилиятининг юзага чиқишига хизмат қилади.

Яхшигул ХИДИРОВА,
ЎЗМТДП Нарпай туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Бир ҳафта давом этган ўқув машғулоти сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий ҳамда иқтисодий билимларимизни оширишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, ўқув-семинарнинг мамлакатимиз Конституциясининг 21 йиллиги арафасида ўтказилганлиги, шу муносабат билан ҳуқуқшунос олимлар томонидан Конституциямизнинг қабул қилиниш жараёнлари, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ҳам маърузалар ташкил этилганлиги биз партия вакиллари учун айни муддао бўлди. Шунингдек, семинар воситасида вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз, партиядошларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлдик.

Гуландом САТТОРОВА,
халқ депутатлари Касби туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат:

— ЎЗМТДПдан сайланган депутат сифатида унинг дастурий вазифалари, гоё ва мақсадларини электорат вакиллари янада чуқурроқ етказишимизда мазкур ўқув-семинарда олган билим ва орттирган тажрибаларимиз асосида шубҳасиз. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар, профессор-олимлар томонидан тақдим этилган маърузалар, давлатимиз қонунчилиги тизимида бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисидаги маълумотлар сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлади. Маърузачилар фуқаролик жамияти барпо этишда биз депутатларнинг олдида турган муҳим вазифаларни атрофлича тушунириб беришди.

Шокир ЖАББОРОВ,
ЎЗМТДП Косон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Мазкур ўқув-семинарда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да белгилаб берилган вазифалар ва улар юзасидан бугунги кунда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида янада кенг маълумотларга эга бўлдик. Бундан ташқари сайлов қонунчилиги, партия гоё ва мақсадлари тарғиботида ва сайлов жараёнларида нотижли маҳорати каби мавзуларда маърузалар тингладик. Бу ерда олган маълумотларимизни, билим ва тажрибаларимизни ўз партия ташкилотларимиз фаолиятини янги босқичга кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тарғибот

ЎЗМТДП дастури — амалда

Миллий ўзликни англаш Қомуси

хуқуқ ва эркинликларимиз кафолатидир

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамкорлигида “Конституция — демократик хуқуқий давлат қуришнинг кафолати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, партия фракцияси аъзолари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, хуқуқшунос олимлар, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Эътироф этилганидек, Конституция нормалари амалга оширилгани натижасида ҳозиргача 8 та конституциявий қонун, 15 та кодекс, 600 дан зиёд қонунлар қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Шухрат Дехқонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг хуқуқий-демократик давлат барпо этиши ва инсон манфаатларини таъминлашдаги ўрни ҳамда унда миллий қадриятларнинг акс эттирилгани хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг миллий хусусиятларини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Жумладан, Бош Қомусимизда махсус XIV боб ўзбек миллий қадриятларидан ҳисобланган оила ва унинг қадриятларига бағишланган. Шунингдек, Асосий Қонунимизда фуқаролар йиғини, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари институтининг хуқуқий мақоми белгилаб берилгани миллиятимизга хос бўлган азалий қадриятларни улуғлашнинг қонуний ифодаси бўлди. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Ш.ФАФФОРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларда янгича дунёқарашни шакллантириш нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Куйи бўғинлар сиёсий партиянинг асосий таянчи эканидан келиб чиқиб бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, партия туман Кенгашининг қуйи бўғинлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришда ЎЗМТДП Учқудук туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси қошида ташкил этилган куйи бўғин аъзолари ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Партия туман Кенгашида ўз сафига 568 нафар аъзони бирлаштирган 16 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

— Вилоятимиз халқ хунармандчилиги ривожланган мас-



Оилавий тадбиркорлар кўргазмаси

ЎЗМТДП “Аёллар қаноти” томонидан ташкил этилган тадбир миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашга қаратилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазма Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, асрлар давомида ривожланиб келаётган халқ амалий санъати ва бадиий хунармандчилиги аъёнларини сақлаб қолиш, унинг аъёнлари асосида фаолият юритаётган халқ усталари, хунармандлар, амалий санъат мутахассислари ва ижодкор ёшлари кўллаб-қувватлаш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, халқ бадиий ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отмуратов, қуйидагиларга тўхталиб ўтди: — Истиклол йилларида мамлакатимиз барча соҳаларда бўлгани каби миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам эътирофли натижаларни кўлга киритди.

Бу борада соҳа ривожига қаратилган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар муҳим дастротлар билан тўла дўконлар ҳамда хунармандчилик устаноларининг фаолият юритаётгани соҳа ривожига ҳисса қўшиш баробарида уларни ёш авлодга ўргатиш, асраб-авайлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партияимиз сайловолди Платформасида халқ хунармандчилиги хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаш ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида партия томонидан миллий хунармандлар, халқ усталари фаолиятига ҳамда уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Хунарманд”

уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бунга яққол мисолдир. Мазкур лойиҳа асосида жорий йил давомида 212 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркорларга 5 миллиардга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида жойларда 1000 га яқин янги иш ўрни яратилиб, аҳоли ва коллежбитурувчиларнинг бандлиги таъминланди. Бугунги кўргазма ҳам электоратимиз вакиллари ҳисобланган хунармандлар ва оилавий тадбиркорлар меҳнатини рағбатлантириш, партияимиз хайрихоҳлари сафининг кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, - деди партия етакчиси.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусавирлари “Хунарманд” уюшмаси раиси Мухаммадосиф Қурбанов сўзга чиқди.

— Юртимизда азалдан миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш халқимизнинг кундалик турмуш тарзига айланиб, у асрлар мобайнида ривож топиб борган. Асрлар оша сақланиб келаётган бу каби аъёнлар истиклол шарофати билан янада сайқал топди. Бир неча йилдирки, Республика “Хунарманд” уюшмаси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзаро ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Унинг янада мустаҳкам бўлиши учун бу икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжатта биноан ўтган давр мобайнида партия ва уюшма ҳамкорлигида турли тадбир, кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этилди. Уйлаймизки, бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этиб, муштарак мақсадларимизни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, партия фаоли Мирза Азизов сўз олиб, ЎЗМТДП томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга ўз ҳолча етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади.

Кўргазма якунида бир қатор маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва оилавий тадбиркор ҳамда хунармандлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан тақдирланди.

КўРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК:

Мавжуда РАЖАБОВА, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Кўргазмани кузата туриб, миллий хунармандчилик йилдан-йилга сайқал топиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим. Боиси, миллийлик ва замонавийлик акс этган либослар, заргарлик буюмлари ва бошқа махсулотлари ҳақиқий санъат асари, дейиш мумкин. Бир-бирини тақрорламайдиган махсулотлар кўргазманинг ҳар бир иштирокчисидан катта таассурот уйғотди. ЎЗМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган мазкур кўргазма қадриятларимиз давомчилари фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва уларга кенг шароит яратиш беришга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қамолитдин АБДУЛЛАЕВ, хунарманд:

— Бир неча йиллардан буён миллий хунармандчиликнинг наққошлик тури билан шуғулланиб келаман. Республикаимизда ташкил этилаётган миллий хунармандчилик махсулотлари кўргазмаларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдаман. “Устоз-шогирд” анъанасини давом эттириш мақсадида хунарманд сирасорларини ёш авлодга ўргатишга бел боғланман. Хунарим ортдан элда эъзоз топаётганимдан, ёшларни соҳа ривожига ҳисса қўлишига ундаётганимдан фахрланаман. Биз каби хунармандларни доим кўллаб-қувватлаб келаётган ЎЗМТДП ва “Хунарманд” уюшмасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Муштарий ЖУРАЕВА, ёш оилавий тадбиркор:

— Оилавий миллий кўргазмалар яшас билан шуғулланамиз. Ясаган кўргазмаларимиз тоза махсулотлардан ишлангани, миллийлиги ва жонли кўриниши билан нафақат болакайлар, балки уларнинг ота-оналарининг ҳам эътиборини тортмоқда. Бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодини турли ёт фоялар таъсиридан ҳимоя қилишда миллий кўргазмаларнинг ҳам ўрни беқийёс. Зеро, Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарларида таъкидланганидек: “Уйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрлини, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гудакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Хроника

Конституция — бахтимиз қомуси

худудий ташкилотларда ўтказилаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

ХОРАЗМ

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ЎЗМТДП Янгиариқ туман Кенгаши томонидан “Конституция — бахтимиз қомуси” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Конституция — жамиятимиз равақи, халқимиз фаровонлигини таъминловчи, ҳаётимизни қонуний жиҳатдан тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Фаррух Юсупов. — Эркин ва фаровон жамият қуриш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституцияимизда белгилаб қўйилган қоидалар самарасидир. Халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, тенглик, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби инсоний фазилатлари ифодаланган бош Қомусимиз янги демократик жамият қуриш йўлида бошланган улуввор ишларга қанот бахш этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар эътироф этишганидек, Конституция ҳар бир давлатнинг бугуни ва эртасини белгилайдиган, тараққиёт сари етакловчи асосий ҳужжат бўлиб, уни чуқур ўрганиш ва белгиланган мажбуриятларга риоя қилиш жамиятда демократия ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартини саналади. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, кундан-кунга аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда.

Тадбир якунида ёшларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилиб, фаол иштирокчиларга партиянинг эсдалари совғалари топширилди.

ЖИЗЗАХ

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган куйи бўғин аъзолари ташаббуси билан “Конституция — демократик қомус” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девоний ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, обрўси ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП фаоли Лутфилло Усанов. — Инсон манфаатлари давлат ва жамият манфаатларидан устун, уни таъминлашга давлат органлари, мансабдор шахслар, жамият ва унинг бирлашмалари масъулдир. Зеро, Конституцияимизни тайёрлашда “Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсондир” деган ақидага амал қилинган. Бош Қомусимизда демократик давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маданий ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланган.

Таъкидланганидек, Конституцияимизда миллий ва тарихий қадриятлар ҳам ўз аксини топган. Шу боис, халқимиз онгига миллий ғоя ва мафкура тушунарларини сингдириш, айниқса, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда Конституция муҳим аҳамият касб этади.

НАВОЙЙ

Истиклолнинг дастлабки йилларида миллий қадрият ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, ватанимиз тарихий мероси, бетакрор маданиятини асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

ЎЗМТДП Навоий шаҳар Кенгаши томонидан “Ёшлар — миллат таянчи” мавзусида учрашув ўтказилди. Унда “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши вакиллари, ЎЗМТДПнинг уюшмаси аъзолари иштирок этди.

— Халқимизнинг бой маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий аъёнларига танган ҳолда фуқароларни, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш ЎЗМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади, - деди ЎЗМТДП Навоий шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси А.Мийлиева. — Бугунги ахборот жамияти ва глобаллашув жараёнида ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки муҳим ўрин тутди. ЎЗМТДП томонидан мунтазам ўтказилаётган тадбир, давра суҳбати, ўқув-семинар ва фестиваллар юртимиздаги иқтидорли, ташаббускор ёшларни бирлаштириш ҳамда сифатимиз кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда ёшлар онгига миллий қадрият, аъёни ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янада қучайтириш юзасидан тақлиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

НАМАНГАН

ЎЗМТДП Норин туман Кенгаши томонидан “Оила — маънавият ва маданият бешигидир” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, туман ФХДЭ ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Зарифа Ботирова кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

Оила мустаҳкамлигини сақлаш олий қадрият ҳисобланади. Аъёнларимизни асраб-авайлаш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини мунтазам давом эттириш, шунингдек, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлаш, оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ёш ва намунали оилаларни моддий-маънавий рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида қатор тадбир, давра суҳбатлари ўтказишга эътибор қаратганмиз. Зеро, партия сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқийёс эканлигиндан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, “Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари” ғоясини амалга ошириш устувор вазифа этиб белгилаб қўйилган.

Тадбирда жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оилалар мустаҳкамлиги ҳамда мамлакатимизда кечаётган барча ислохотлар жараёнида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олдилар.

Тўмарис АЪЗАМ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Куйи бўғин ташаббуслари

маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан кўллаб-қувватланмоқда

канлардан бири, десак хато бўлмайди, - дейди тумандаги 2-сонли мактабгача таълим муассасаси жамоаси ходимларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Сарвиноз Салимова. — Худудимизда бу соҳа билан шуғулланмайдиган оилаларни топиш мушкул. Сафимиз оилавий касаначилик билан шуғулланувчи ёш хунармандлар ҳисобига янада кенгайиб бормоқда. Шунингдек, 92 нафар маориф ходимлари миллий хунармандчиликни ривожлантириш, ёш авлодин миллий истиклол ғоясига садоқат руҳида фидойи инсон этиб тарбиялашда фаоллик кўрсатишмоқда.

Куйи бўғин фаолиятини қузарат эканмиз, партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар юзасидан қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилаётганига фойда бўлди. Хусусан, “Мил-

лий тикланиш — фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми”, “Миллий қадриятлар — миллий манфаатлар асоси”, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни”, “Глобаллашув муаммолари ва миллий маданий-маънавий қадриятларни сақлаш зарурати”, “Қонунлар — таянчимиз” каби мавзулардаги давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар шулар жумласидандир.

— Якунида куйи бўғинимиз ташаббуси билан мактаб ўқувчиларининг спорт жамоалари ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Келажак бизники, марра бизники” шiori остида волейбол, баскетбол, стол теннис, кўл жанги каби спорт турларини буйига ўтказилган мусобақалар ёш авлоднинг жисмонан соғлом улғайишларида муҳим аҳамият касб этади, - дейди куйи бўғин етакчиси С.Салимова. — Шунингдек, миллий

хунармандчиликни ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, соҳага ёшларни “устоз-шогирд” аъёнларини асосида кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорлигимиз кўл келмишда. Фарзандларимизнинг ёғоч ўймақорлиги, наққошлик, рассомлик, дурадгорлик, кулолчилик каби хунар сирларини ўрганишлари учун турли тўғрақлар ташкил қилинмоқда. Ёш хунармандлар байрамларда ташкил этилган кўргазмаларда ўзларининг амалий ишлари билан қатнашаётгани кувонарли ҳол. Келгусида халқроқ кўргазмаларда қатнашишни олдиға мақсад қилиб қуйилган ёшларини кўриб фахрланмасликнинг иложи йўқ. Бошланғич партия ташкилоти фаоллари ташаббуси билан маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз, бой меросимиз са-

Тўмарис ХУДАЙБЕРДИЕВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Танлов



Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати

Конституцияга бағишланган мақолалар танлови
голиблари аниқланди

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Конституцияда мустақамлаб кўйилганидек, оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини воёга етунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги ва, ўз навбатида, воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурлиги Бош Қомусимиз моддаларида белгилаб кўйилган. Таъкидлаш лозимки, бу жиҳатлар ҳеч бир давлат Конституциясида учрамайдиган қоида бўлиб, фақатгина халқимизга хос бўлган қадрият ва аъёнларнинг ўзида акт эътирғи билан эътирофга лойиқдир.

Мамлакатимиз Конституциясида ёшлар масалалари, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Конституциянинг 41-моддасида ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги мустақамлаб кўйилган. Ана шу қоида асосида бугунги кунда давлат томонидан 12 йиллик бепул умумий таълим олиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги ёшларнинг ўзлари истаган йўналишларда тахсил олиб, мамлакатимизга керакли кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, партияимиз томонидан ўтказилаётган бундай танловлар ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда давлат рамзаларини умумийлик гуруҳ ва эҳтиром тисмоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарғиб қилишга кўмаклашиш сингари партия дастурий мақсадларининг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидланганидек, Бош Қомусимиз ўзбек халқининг мустақиллик ва миллий давлатчиликка, аждодаларимиз урф-одатлари ва бой маънавий меросини тиклашга бўлган орзу-умидларининг қонуний механизмларини яратилган, ижтимоий тараққийнинг инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига мос равишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини мустақамлашга қаратилган.

— Партияимиз Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни фуқароларга тушунтириш, тарғиботташвиқот қилиш ишларини узлуksиз давом эттиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди тадбирда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ифодаланиши” мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов. — Жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаш-

тириш, Бош Қомусимиз моҳиятини ёшларга кенг тушунтириш, демократик жамиятни барпо этишда уларнинг иштирокчини таъминлаш, энг асосийси, партия сафига ёшларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида аъёнанинг тарзда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир” мавзусида мақолалар танлови ўтказиб келинмоқда. Ушбу танловда қатнашувчилар сони йилдан-йилга кенгайиб бораётган кувонарли ҳолдир. Агар қиёслайдиган бўлсак, ўтган йили танловга республикамиздаги турли босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган 120 га яқин мақола келиб тушган бўлса, жорий йилда бу кўрсат-

кич 148 тани ташкил этди. Иштирокчилар эътироф этишганидек, Асосий қонунимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг кафолатлари ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққийимизнинг беш тамойили ана шундай эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбир якунида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир” мавзусида эълон қилинган мақолалар танлови голибларига партия Марказий Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ойбек ИБРОХИМХОНОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси
девозни етакчи мутахассиси,
танловнинг 1-ўрин соҳиби:

— Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқишни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловоди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан ҳар йили “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир” мавзусида ўтказиб келинаётган мақолалар танлови юртимизнинг барча ҳудудида Конституциявий ғояларни тарғиб қилиш, кўллаб салохияти ёшларни кашф этиш ҳамда уларнинг партия фаолиятига нисбатан қизиқишини уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нодир МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани 4-мактаб
ўқитувчиси, 2-ўрин соҳиби:

— Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик бизни мудом билим эгаллашга, янгидан-янги марраларни забт этишга илҳом бағишламоқда. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда Бош Қомусимиз мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларимизни, юртимизда кечаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Сухроб ШУКУРОВ,
Бухоро вилояти, Қорақўл тумани ер тузиш ва кўчмас
мулк кадастр хизмати мутахассиси,
3-ўрин соҳиби:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида ифода этган, миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлаштирилган қомусдир. Бугун ёшларнинг ҳар соҳада муваффақият қозониб, юксак марраларни забт этишида Конституциямизда белгилаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Уйлайманки, партия “Ёшлар қаноти” томонидан ўтказиб келинаётган бундай лойиҳалар ёш авлодининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, интеллектуал салохиятларини тўлиқ намоян қилишларида хизмат қилади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
тадбир иштирокчиси:

— Бугунги шиддат билан ривожланаётган ҳаёт ҳар биримиздан ҳуқуқий саводхон, сиёсий жараёнлардан хабардор, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишни талаб қилмоқда. Бу борада муҳим кўмакчи, шубҳасиз, Конституциядир. Зеро, Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришда дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Унда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва бурчларни англаш, амалга татбиқ қилиш ҳар биримиздан алоҳида масъулиятни талаб қилади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
«Milliy tiklanish» муҳбири

Ташаббус ва натижа

Ҳудудда туризмни ривожлантириш: мақсад ва вазифалар

халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи туман Кенгашининг XXI сессиясига ана шундай ташаббус-масала билан чиқди

Мустақил юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Барча соҳаларда кечаётган ички ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда шаҳару-қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод манзилларнинг сони ортиб бормоқда. Юрдошларимиз эса мамлакатимизда кечаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик тўғриси билан яшамоқда. Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида фаол бўлиш, ташаббус қўриш истаги билан яшаётган замондошларимизнинг саъй-ҳаракатлари боис жамиятимиз тобора ривож топмоқда.

Истиқлол туфайли аждодаларимиз томонидан яратилган бой маънавий ва маданий меросимизни қайта тиклаш ҳамда асраб-авайлаш орқали туризм салохиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Пировардида мозийнинг минг бир сир-синоатига шохид бўлган тарихий обидалар, қадимий қадамжо ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, нафақат юртимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг маданий-тарихий ёдгорликларини кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларга ҳар томонлама кўмаклашишни дастурий вазифаларидан бири деб билган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда жойлардаги депутатлик гуруҳлари ҳам мазкур йўналишдаги ишларда ўз тақлиф ва ташаббуслари билан фаол иштирок этишга интилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгашининг XXI сессиясига ташаббус-масала сифатида киритилган “Ҳудудда туризмни ривожлантириш: мақсад ва вазифалар” масаласи мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган туман Кенгаши сессияси қарорига асосан туманда туризм салохиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

— Бугунги кунда туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатимиз минтақаларини ривожлантиришда истиқболли йўналишлардан бири саналади, — дейди ЎзМТДП Навбахор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Рустам Саилхонов. — Шу билан бир қаторда соҳанинг истиқболли сервис хизмати ҳамда миллий хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга шароитлар яратилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис ЎзМТДП туман Кенгашининг барча бошланғич партия ташкилотлари ва фаоллари партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудда туризм инфратузилмаси ва хунармандчиликни ривожлантириш, кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга кўмаклашмоқда. Депутатлар томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилган мазкур ташаббус-масала ҳам шу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатла-

римиз самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, Навбахор туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат қўришнинг соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида муйайн ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг тасдиқланган давлат дастурлари мақсадида параметрларига эришиш мақсадида жами 11 та ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилиб, улар ҳисобига 81 та янги иш

- **Истиқлол туфайли аждодаларимиз томонидан яратилган бой маънавий ва маданий меросимиз қайта тикланди**
- **Асосий мақсад — туризмнинг барча соҳаларини ривожлантиришдан иборат**
- **Сармийшой дараси қоятошларидаги петроглифлар — дунё нигоҳида**

жойлари ташкил этилди. Шунингдек, аҳолига 53673 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўсиш суръати 121,6 фоизни ташкил этди. Хизмат қўришнинг бўйича ҳисобот даврида қиймати 1372. млн сўмга тенг бўлган 30 та объект ишга туширилди. “Навоий вилояти 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” дастурига асосан, туманда 105 та лойиҳа ишга туширилган бўлса, улардан 52 таси хизмат қўриш ва сервис соҳасига йўналтирилганлиги билан ҳам эътирофга молик.

Туманда туризм салохиятини юксалтириш борасида қулай шарт-шароитлар мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳудудда жойлашган ва очик осмон остидаги музей дея эътироф этилган Сармийшой дараси қоятошларидаги петроглифлар бугунги кунда дунё нигоҳида. Табиатнинг бу ноёб туфайли мамлакатимизнинг жаҳон туризми арена-сидаги ўрнини янада мустақамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши қарорига асосан, туман ҳокимлиги мутасадди-

лари, тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда партия фаолларига бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан, туман ҳокими ўринбосарлари ва туман кенгаши депутатлари ҳамкорлигида ҳудуддаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик музейлари ва миллий хунармандчиликни кенг миқёсда ривожлантиришга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари ва маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясига ҳар ой якунида соҳани такомиллаштиришга оид қилинаётган ишларни тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида таҳлил қилиб бориш вазифаси юклатилди. Шунингдек, минтақалардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, мамлакатимиз туризм салохиятини ўрганиш ва уни замонавий асосда ташкил этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини қучайтириш мақсадида тумандан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-

латаси ҳамда вилоят Кенгаши депутатлари билан ҳамкорлик ва ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйиш ҳам қарорда қўрилатиб ўтилган. — Депутатлик гуруҳимиз томонидан қўрилган ташаббус асосида туманда туризм салохиятини кенгайтириш учун, аввало, соҳага хусусий сармояларни жалб қилиш борасидаги яратилган шароитларни ўрганиш, инвестиция маблағларини жалб этиш натижалари, муҳими, истиқболдаги режалар аниқ белгиланди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Г.Элова. — Эътироф этиш жоизки, ҳудудда маърифий туризм, спорт туризми (тоғ-чанги спорт), экотуризм, дам оlish туризми (миллий хусусиятларни ўзида мужассам этган дам олиш, ўтовларда яшаш, туяларда экскурсиялар ташкил этиш), соғломлаштириш туризми (спорт, давонаши, шифобахш сув, туз ва ванналар) такомиллаштириш йўналишида ҳам ҳали кўпгина ишлар амалга оширилиши лозим.

Ўралой ТУРДИЕВА,
«Milliy tiklanish» муҳбири

Ҳуқуқий эксперимент

СТАТИСТИКА БЎЛИМЛАРИ

қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда

Статистика соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда Президентимизнинг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни лицензиялаш надиған фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамоийларини тубдан қисқартитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармонда белгиланган давлат статистикасига оид талаб ва қоидалар турли субъектлар ўртасида кенг тарғиб қилиб борилаётгани ҳам эътиборга моликдир. Қонун ва қарорлар тарғиботи бўйича вилоятдаги 1648 та ҳўжалик юритувчи субъектларда мулоқотлар ташкил этилди, 168 та семинар ўтказилиб, уларда 4000 нафарга яқин фуқаролар иштирок этган.

Бундан ташқари давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали электрон шаклда топшириш йўлга қўйилгани янада қулайлик туғдиримоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда кенг қўлланилаётган электрон хизмат ва унинг афзалликлари тўғрисида кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани статистика бўлимлари фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий эксперимент доирасида жисмоний ва юридик шахслар аҳабороти эркин ва монельиқсиз олиши ҳамда фойдаланиши учун бошқарманинг www.buxstat.uz сайти ташкил этилган. Унда статистика бошқармасининг иш тартиби, бошқарма вакилларининг қабул қилган ҳақида фотогалерея, тарихий саналар, давлат рамзлари ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жумладан, бошқарма сайтида жисмо-

Бундан ташқари фуқаролар бошқарма маълумотларидан очик ошқор фойдаланишлари учун вилоятга тегишли бир неча йиллик статистика маълумотлар, “Бухоро вилояти 1995-2010 йиллик” статистик тўплами, “Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари — 2013 йил январь-июнь”, Бошқарма ҳайбат ййгилиши баёнлари сара-лаб инвентаризация қилинди ҳамда pdf-электрон графикаси шаклида вилоят архив ишлари бошқармаси ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги ахборот-кулубхона марказига тақдим этилди. Эндликда аҳоли улардан хоҳлаган вақтида зарур маълумотларни олишлари мумкин.

- **3528 та қўлланма тарқатилди**
- **Қонун ва қарорлар тарғиботи жараёнида 4000 нафарга яқин фуқаро иштирок этди**
- **Идора ва ташкилотлар томонидан 482 та мурожаат келиб тушди**
- **Эксперимент жараёнида вилоят статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаол иштирок этишга интилмоқда**

бўлимлар томонидан тегишли жа-воблар қайтарилмоқда. Хусусан, ўтган 9 ой мобайнида фуқаролар томонидан 29 та озаки ва ёзма, интернет тармоғи орқали 8 та, идора ва ташкилотлар томонидан 482 та мурожаатлар келиб тушган. Уларга ўз вақтида статистик маълумотлар тақдим этилаётгани диққатга сазовордир.

Бошқарма фаолияти тўғрисида 1 октябрда телевидениеда 27 та, радиода 1 та, маҳаллий нашрларда 36 марта чиқишлар қилинган.

Маннон ОТАБОЙ,
«Milliy tiklanish» муҳбири

Бугуннинг гапи

ИНСОН ҚАЛБИ

унга йўл қаердан бошланади?..

“Оммавий маданият”
Фарб мамлакатларида
ўтган асрнинг иккинчи
ярмида шаклланди.
“Популяр” ёки қисқача
“поп-культура” маданият
ни англатса-да, туб
мазмун-маъноси, мақ-
сад-ниятига кўра “ом-
мавий маданият”нинг
ўзгинасиридир.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳали илм-фанда “антикультура” яъни ғайримаданий тушунчалар шаклланишига боис “поп” (оммавий маданият) тушунчаси ноилоҳ қўлланилмоқда. Чунки, “оммавий маданият” тушунчаси аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизликнинг синонимидир. “Оммавий маданият”, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга ва унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан кутку солиб, уни инкор этиб келяпти. Фарбнинг ўзида ҳатто айрим файласуфу, социолог олимлар ҳам: “Бизга “Түкқизинчи симфония” (Бетховен) керак эмас!” ёки “Мона Лиза”ни лойга қоршитирамиз!” каби жоҳлатпараслик билан суғорилган хитоблар билан чиқишмоқда.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида катта истеъдод эгалари ҳам “оммавий маданият” тарғиботчиларининг домга тушиб қолаётгандай. Оммавий маданият намояндалари захил, захарханда ва беҳаё кулгун исён ифодаси деб билишади. Шу ўринда, улар кимга ва нимага қарши исён кўтаришади, деган савол туғилади. Агар “поп-маданият” дунёга оҳсон этаётган “поп-арт”, яъни тасвирий санъат, “поп-музыка”, “поп-адабиёт” мисолида фикр юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади. Юксак маданият, маънавият, одоб-ахлоқ, эзгу орзу-мақсадлар улар учун қийматга эга эмас. Чунки, мўъжизага қийсанувчи ижоднинг олий мезонлари “поп-маданият” тарафдорларининг ғашини келтиради. Уларнинг фикрича, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарсани санъат деб аташа бўлади. “Поп-арт” — оммавий санъат тури шу ақида асосида вужудга келган. “Оммавий маданият” намояндаларидан бири Карл Маннинг фикрича, атроф борлиқда, маиший ҳаётда мавжуд барча нарсалар (масалан, консерва банкалари, синик тиш чўткалари, машина, сув қувурларининг зангаланган бўлаклари, турли суратлардан тортиб, журнал-газета қий-қимларига) ҳаёт бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб бериб, одамлар назарига тушса, бу оддий чиқиндилар археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори-атикалардай ўзига жалб қилиб, санъат ва маданият намуналари қаторидан ўрин олар эмиш.

“Оммавий маданият” жамиятида “поп музыка” ҳам алоҳида ўрин тутаяди. “Поп-музыка”ни “янги рок” белгилайди. “Янги рок” эса кучайтирилган ритмик тузилмалар мусиқадири. Яъни, жазавали ритми, зарб, кучли шовқин орқали ушбу мусиқани фарқлаш мумкин. Бу мусиқа тингловчига қалбдан ҳузурланишни эмас, балки вужудни талвасали рақсга туш, дея ундайди. “Оммавий маданият” мусиқадаги техник ижро воситалари имкониятини ниҳоятда чеklang қўяди. Айниқса, полифонизм — мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглик йўқолиб бормоқда. Умуман айтганда, “поп-музыка” ижрочилиги кўнгилочар мусиқа ниқоби остида оммавий басва, шайтоний талваса, беҳаё рақслар, қўпична охири жанжал, ур-йўқит ва ваҳшийликларга бори етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. Калифорниянинг Алтомонте шаҳрида бўлган мусиқа фестивалида ўзини “поп-музыка” қироли ҳисоблайдиган “Роллинг Стоунз” (Айланаётган тош) гуруҳининг концерти мухлисларининг ур-йўқити билан туғаб, можарони полиция кўмагида бартараф қилишга тўғри келган. “Поп-музыка” намояндалари ўз оммавийликларини кўрсатиш учун сахнадаги хатти-

ҳаракатлари билан ҳам ажралиб туришади. Одоб-ахлоқ, у ёқда турсин, жамиятга ҳурмат туйғуларини инкор қилиб, асосан кўча оломончилиги қонун-қоидаларига амал қиладилар. Ўзларининг ўта кулгули ва ёқимсиз қиёфаларидан фарланадилар ҳам. Улар бу билан санъатни оёқости қиладилар.

Бугун юртимизда “оммавий маданият”нинг ана шундай куткусига учаётган айрим ёшлар ҳам йўқ эмас. Ҳўш, бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? — Боланинг маънавиятини ўстириш, қобилият ва иқтидорини, шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир, дейди “Оила” илмий-амалий маркази мутахассиси Дилором Муродова. — Чунки, инсоннинг энг соғин ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчалар воситасида қарор топиши табиий.

— Одамзод учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва мос қобилияти, атрофдаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки бўлмаслиги, дунёқарашини буларнинг барчаси аввало унинг табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбияга ҳам боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. — Фарзандлар ўқиши ва камолотида тасвирий санъат асарларининг ҳам тарбиявий аҳамияти бор. Санъатга ошно бўлган болада асарнинг мазмун-моҳиятини тушуниш баробарида ижодга қизиқиш пайдо бўлади. Санъат асарлари инсонларнинг ташқи қиёфаси орқали унинг ички оламини чуқур тушунишга, инсон кечинмаларини сезиш ва идрок этиш, воқеа-ҳодисалар мазмунини сезилмас тимсоллар орқали англаш имконини беради. Боланинг қобилияти ривожланиши учун аввало ота-оналар ҳамда оила аъзолари, қолаверса, ижтимоий муҳитнинг таъсири катта. Болаларга зарур шароитни яратиш бериш, унинг қизиқишларини инобатга олиб, керакли жиҳозлар билан таъминлаш керак, - дейди мутахассис.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қобилият — фаолият жараёнида намоён бўлувчи имкониятдир. Айниқса, мусиқа ёки тасвирий санъатга бўлган қизиқиш болаларда жуда эрта намоён бўлади. Масалан, Глинка 3-4 ёшидаёқ шундай ўйинни жуда ёқтирган, у овоз чиқарадиган турли буюмларни (мис тоғора, кастрюлка) ёғоч билан чалган. Бунда катталарни ҳайрон қолдирадиган даражада оҳангдош товушлар пайдо бўлганки, уларни эшитиш мароқли бўлган. Кейинчалик ана шу бола буюк композитор бўлиб етишган. Шунингдек, фарзанднинг қобилиятини сезган ота-она, уни рағбатлантириб туриши лозим. Албатта, бу рағбат меъёрида бўлиши, чегарадан чиқмаслиги керак. Сабаби, рағбат болада ўзига нисбатан ишончли орттиради. Бу эса уни ўз устида ишлаш маҳоратини оширишга ундайди. Ота-онани ва устозларидан яна ва яна илиқ сўз, рағбат эшитишга интилади. Чунки, қобилиятнинг 90 фоизи тинимсиз меҳнат орқали юзага келади. Машҳур поляк пианиночиси Игнаций Падеревский эришган ютуқларининг сирини нимада эканлиги ҳақидаги берилган саволга: “Бир фоиз талант, тўққиз фоиз омад ва 90 фоиз меҳнат” деган жавобни қайтарган.

Санъат асарлари, жумладан, тасвирий санъат асарларига нисбатан тўғри ва ижодий муносабатни шакллантириш, аввало, кишиларда, хусусан, ёшларда ахлоқий нормаларни мустаҳкамлайди. Шунда биз юқорида келтирилган “оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан ёшларимизни ҳимоялаган бўламыз.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish”
муҳбири

Янги қадриятлар

Давлат рамзлари муқаддасдир

Ҳар тонг радио ёки телевизордан қалбларимизни фахр ва ифтихорга тўлдириб, сизу-биз учун ҳаяжонли ва муаззам мадҳиямиз юксак паролларда янграйди. Юрагимизни гуруртуйғуларни эгаллайди, кўксимиз ростланади. Барча юртдошларимиз қаторида улуғ мақсадларга чоғланамиз.

Гимн (юнунча “гимнос” — тантана, кўшиқ) — давлат, ижтимоий синф, ижтимоий табақа, бирлашма, миллат ва бошқа ижтимоий, сиёсий ҳамада маданий бирликлар томонидан уларнинг моҳияти ва мақсадини, истиқболли ва руҳий ҳиссиётини ифода этувчи куй, тантанали ашула, мадҳия. Шу сабабли гимнлар узоқ тарихга эга.

Давлат рамзлари халқаро муносабатларда ҳар бир давлат миллий суверенитетининг тимсоли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби билан бир қаторда, унинг энг муҳим давлат рамзларидан биридир.

1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ҳурмат билан қараш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу билан мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, обод ва фаровон

ҳаёт барпо этиш йўлида энг муҳим овоз ва оҳанглар орқали жонли ифодаланган яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қиммати, гурури, таянчи ва суянгини чуқурроқ англай бошлади.

Мадҳиямиз ўтган давр мобайнида ҳар бир ҳамюртимиз қалбидан чуқур жой олиб, миллий гуруримизга, халқимиз фахру ифтихорига айланди. Мадҳиямизда инсонпарварлик, ахлоқий маънавий тамойиллар етакчилик қилиши ҳеч кимга сир эмас. Мадҳиямиз мазмун-моҳиятида жуда катта кўтаринчилик билан аждодлар руҳи, эркин ёш авлодлар, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элларга нисбатан ҳурмат, илму-фанга даъват, ор-номус, ифбат ва ҳаё, серкуёш заминимиз хурлиги каби демократик дунёқарашлар, эзгу фазилатлар мужассам. Давлат қўшиғи умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақил тарққиёт йилларида барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришди. Энг муҳими, бу ютуқларимиз халқаро

ҳамжамият томонидан эътироф этилиб, кўпгина давлатларнинг ҳавасини келтирди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан юртимизнинг ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Давлат раҳбарларининг расмий ташири чоғида, Ўзбекистон ёшлари спорт, санъат, илм-фан ёки бошқа йўналишда халқаро майдонда галабага эришган пайтларда байрогимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганда беҳитиёр кўксимиз ҳаяжон ва ифтихорга тўлади.

Давлат мадҳияси қуйланаётганда ҳурмат-эҳтиром билан тик туриб, чап кўлни кўксимизга қўйиб, унинг мазмун-моҳиятини қалбимизга жо этган ҳолда аждодлар нидоси сифатида ҳавас ва ҳаяжон билан ҳаммаша жүр бўламыз. Мадҳия ўзининг сеҳрли оҳанг, буюк орзулари билан юрагимизнинг туб-тубидан шундай жой оладики, уни ҳатто ҳар куни тингламас ҳам вужудимизни соҳир ва сокин туйғулар эгаллайди. У йиллар ўтган сари ўзининг қадр-қимматини туганмаган, энг азиз, энг улуғ қадриятга айланиб, қалбимизни алоҳида фахру ифтихорга тўлдириверади.

Дарҳақиқат, мадҳиямиз жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодини миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Халқимизнинг овоз ва оҳанглар асосида етказилган тимсоли — мадҳиямиз вужудимизга она сутти, алласи ва улуғ аждодларимиз ўғити билан кирган теран, миллий кудрат, мустаҳкам иродани эслатиб туради. Бу мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаб, кўз қорачиғидек асрашга, бугунги эркин ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада зиёда бўлиши учун ҳар кун ғайрат-шижоат кўрсатишга ундайди.

Миллий ўзлигини қалбида асровчи, юрагида чинакам ватанпарварлик ҳисси билан яшовчи халқ учун Ватан тимсоллари — мадҳия, байроқ, герб беқиёс маънавий куч ҳамда мадад манбаи эканлиги шубҳасиз. Бу тимсоллар бизни янада юксакликларга, бунёдкор ва эзгу ғояларга ундайди.

Мухтасар айтганда, мадҳиямиз туб замирида шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсонни ифтихор туйғуларига эга қилиш, уларнинг эзгу орзу-уйларини рўёбга чиқариш, инсонпарварлик, ахлоқий маънавий тамойилларга асосланган демократик жамиятни барпо этишда улуғвор мақсадлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Тангир САТТОРОВ,
Республика Маънавият
тарғибот маркази Самарқанд
шаҳар бўлими раҳбари,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

Хунарманд



Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Темирга ишлов бериш энг қадимги хунарлардан биридир. Археологик қазилмалар чоғида топилган қўлаб металл буюмлар шундан далолат берадики, Марказий Осиёда металл ишлов бериш техникаси юксак даражада тараққий этган. Ҳали Х асрдаёқ темирчи хунармандларимиз темирнинг 4 хили билан ишлаганлар. Темирчилик устахоналарининг маҳсулотлари турли хил уй-рўзгор буюмлари (мих, пиш, меҳнат қуроли, халқачалар, кулф ва қозонлар) ҳамда қурол-аслаҳалардан (совут, найза, тиг ва қиличлар) иборат эди. Ҳозирги кунда бухоролик усталар ушбу санъат турини жаҳон дурдонаси даражасига олиб чиқиб, метиндек қаттиқ металлдан энг нозик, гўзал ва бежирим уй-рўзгор буюмлари эсдалик сувенирлари тайёрлашмоқда.

Бухоро вилоят “Хунарманд” уюшмаси фахрий аъзоси, қандакор, темирчи-уста Шоқир Камолов Ўзбекистонда илк бор тузилган Бухоро хунармандлари уюшмасининг энг биринчи аъзоларидан ҳисобланади. Уста темирчилар сулоласининг бешинчи авлодига мансуб бўлиб, ишлаб чиқарган қандакорлик ва темирчилик маҳсулотлари нафақат республикамиз, балки чет элларда ҳам шухрат қозонган. Темирчиликни отаси Уста Камолдан ўрганган. Камол отанинг темирчилик устахонаси катта бўлиб, олди кенг суфалардан иборат. Кубсимон шаклдаги маҳсул қурилма темирчилик устахонасининг асосини ташкил қилади. Бу қурилма гиштдан ясалган бўлиб, унинг ичига оғзи пастга қараган катта хумлар туширилган. Уларнинг туби кесиб олинган. Бу кубсимон қурилмадан ташқари темирчилик устахонасида маҳсул ўт ёниб турадиган ўчоқ ҳам бор.

— Оиламизда беш ўғил ва олти қиз фарзандимиз. Шулардан тўрт ака-ука темирчилик хунарини давом эттириб келмоқдамиз. Биринчи синфда ўқиб юрган кезларимда хунармандчиликнинг сирини асрорларини ўрганишга иштиёқим билан бўлган. Отам раҳматли бизни мана шу хунарни ўрганишимизга ижод элтиришимиз учун астойдил жон куйдирган. Қўлган меҳнатимизга ҳаққоний баҳо берадилар. Институтда таҳсил олаётган кезларимда халқ расоми Салимжон Ҳамидовдан қандакорлик сирларини ўргандим. Истиқлол йилларида хунармандларга бўлган эътибор орди. Айниқса, даромад солиғидан озод этилди. Кўпроқ ишлаб, ўзимизни кўрсатишимиз учун кенг имкониятлар

Темирдан яралган санъат



яралди. Ҳозир тинмай ижод қилмоқдамиз. Ҳатто, темирчилик хунари тарихини чуқур ўрганиб, кичикроқ музей ҳам ташкил этдик. Муҳими, фарзандларим ҳам бу хунарни қадрлаб, эъозлаб келаётганидан фахрланаман. Германиялик усталар билан ҳам ҳамкорлигимиз бор. Айни пайтда катта ўғлим Шавқиддин Камолов устози Аҳим Шварцдан Дамашк пиногини ясаш сирларини ўрганмоқда.

Шоқир Камолов хунармандчиликнинг темирчилик ва қандакорлик соҳасида ижод қилиш, ўзига хос юқори сифатли ва безакларга бой темир буюмлардан ҳақиқий санъат асарларини яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Халқимизнинг қадимий қандакорлик ва темирчилик санъатини қайта тиклашга хиссасини қўшиб келаётган уста 2004 йили “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. Унинг ижодий меҳнати ва маҳорати билан тайёрланган буюмлар

дунёнинг кўпгина йирик музейларидан, жумладан, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти галереясида ҳам жой олган. Ўзи яратган сара асарлари билан 1994 йили Покистонда ўтказилган “Усталар иш устида” халқаро кўрик-танловда 2-ўринни, 1995 йили Швейцарияда бўлиб ўтган “Устоз-шоғирд” халқаро кўргазмасида биринчи ўринни эгаллаган ва ўша йили ўтказилган “Ўзбекистон кунлари”да ЮНЕСКОнинг “Ўз ишининг моҳир устаси” гувоҳномасига сазовор бўлган.

Қолаверса, ноёб санъат дурдоналарини тиклашга қўшган хиссаси учун “Ташаббус-97” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши хунарманд” номинацияси ғолиби бўлган. 2002-2003 йилларда Германия ва Россияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда фаол қатнашиб, юқори даражали диплом ва сертификатлар билан тақдирланди. 2006 йили Чехияда ўтказилган халқаро

“Темирчилар иш устида” кўрик-танловда 2-ўринни эгаллаб, қумуш сангдон билан муқофотланган. Шунингдек, уста “Қарши-2007” кўрик-танловда ҳам қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди.

Энг тажрибали хунармандлар қатори уста 2007 йили Германияда ўтказилган темирчи усталар кўргазмаси ҳамда 2008 йили Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандларининг “Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар” кўргазмасида қатнашиб, унинг сара асарлари намойиш этилди. 2010 йили Малайзияда ўтказилган “Санъат фестивали”дан эса сertiфикат билан қайтди.

Ш.Камолов 1997 йилдан буён вилоят “Хунарманд” уюшмаси, 2007 йилдан эса Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси. Ҳозиргача 30 дан зиёд шоғирд тайёрлаб, малакали уста-хунармандларни етиштирди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган музейга чет эллик сайёҳлар ҳам таширф буюриб туради. Қандакор темирчи усталар сулоласи маҳалла тадбирлари ва байрамларда фаол иштирок этади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам бериш ишларида ёрдам бериб, темирчиликнинг сир-асорини ўзидан кейинги сулола вақилларига етказишни ният қилган. Темирчилар сулоласи вақиллари бугун ўз шоғирдлари ардоғида. Демак, анъаналар давом этмоқда.

Маннон ОТАБОЙ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

«Мадҳиямиз янграганида кўз ёшларимни тия олмадим»

дейди «Ўзбекистон ифтихори» соҳиби Аббос Махсталиев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида кўра «Пахтакор» клуби авзоси Аббосбек Махсталиев ҳам «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишони соҳиби бўлди.



— 1994 йил Сирдарё вилояти Гулистон туманида туғилганман. Оиламизда спортчилар йўқ, - дейди Аббос Махсталиев. — Аммо ота-онам менинг футболчи бўлишимни, жаҳон чемпионатларида қатнашиб, юқори чўққиларни забт этишимни орзу қилишган. Бу мақсад мени «Пахтакор» академиясига етаклаб келди.

Спортчиларимизнинг ўзга мамлакат стадионида мағрур бош кўтариб давлат мадҳиясини тинглаётганларини кўриб, улар ҳозир нималарни ҳис этаётганига қизиқардим. Ростини, ҳавас ҳам қилардим. Илк бор 2009 йили Малайзияда ўтказилган ўртоқлик учрашувида майдонга тушганимизда байрогимиз ҳиллаб турганини кўриб бу ҳис миллати гурур эканини англаб етдим. Стадионда мадҳиямиз янграганида кўз ёшларимни тия олмадим. Ватан шаъни учун майдонга тушиш, Юрт шарафини ҳимоя қилиш қанчалик оғир эканини ўшанда тушундим.

2010 йили Осёне чемпионатида юртимиз мезбонлик қилди. Уч ҳафта давомида пойтахтимиз футбол нафаси билан янади, ишқибозларга олам-олам қувонч улашди. Бизнинг олдимишга жаҳон чемпионатида иштирок этиш вазифаси кўйилган. Бунинг учун турнирнинг чорак финалидан ўтишимиз етарли бўларди.

Бу вазифа бажарилди ҳам. Ярим финалда Австралия ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушдик. Ушанда «бўлди, ўзбекларнинг юриши тўхтади. Улар австралияликлардан кучли эмас» деган башоратомиз гаплар янгради. Аммо бундай гапларга парво қилмадик. Катта машаққат ва қийинчиликлар эвазига бўлса-да финал йўлланмасини кўлга киритдик.

2011 йил ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида футболчиларимиз кураши ярим финалда тўхтатишган бўлишса-да, ўсмирларимизни ҳамма голибардек қарши олди. Энг юксак эътибор Президентимиз томонидан бўлди. У киши йигитларга «Spark» автомобили бериш билан бирга, «Мустақилликнинг 20 йиллиги» кўкрак нишони билан ҳам мукофотлади. 2013 йил Туркияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз муносиб иштирок этди. Энди ёш спортчимиз ўз олдига олимпиада ўйинларида қатнашиш ва албатта катталар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этишни мақсад қилган. Ўйлаймики, у бу вазифаларни бажара олади.

— Яқинда, Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби бўлдим. Бу ҳаётимдаги энг

«Milliy tiklanish» мухбири Тўмарис АбЗАМ тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги муносабати билан Бухоро давлат университетида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Университет маъмурияти томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган давра суҳбатлари, учрашувларда барча ўқитувчи ва талаблар фаол қатнашмоқда. Улар тегишли адабиётлар, маълумотлар билан мунтазам бўлиётган университет ахборот-ресурс маркази имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиб ҳуқуқий билимини мунтазам оширмоқда.



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Таълим

Мактабгача таълим-тарбия муассасалари

халқ таълими тизимининг муҳим бўғинидир

Дарҳақиқат, мактаб таълимига дастлабки пойдевор худди ана шу тарбия масканларидан бошланади. Самарқанд шаҳридаги «Меҳр» номи 121-мактабгача таълим муассасасида бўлсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз. Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача тарбия муассасалари ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватанам менинг», «Она тилим — жону дилим», «Самарқанд — болалар нигоҳида», «Ўзбек тили» сингари танловларда муассаса фахри ўринларни эгаллаб келмоқда. Қолаверса, боғча «Кичкинтой — ширинтой», «Соғломжон — полвонжон» каби беллашув ва мусобақаларда биринчиликни қўлдан бермай келади. Сир эмаски, ҳар қандай ютуқ замирида катта меҳнат ётади. Мактабгача таълим муассасаси ҳаёти билан танишиш асносида шунга амин бўлдик.



лором Мамедова. — Жисмоний тарбия йўриқчимиздан ташқари, яна тўрт нафар мураббий хизматидан фойдаланиш имкониятига эгаимиз. Улар шахмат, шашка, таэквондо, спорт гимнастикаси, волейбол ва баскетбол тўғрисида раҳбарлик қилибди. Ота-оналаримизнинг талаби билан спорт гимнастикаси ва баскетбол тўғрисида фаолиятини йўлга тўлиқ билдирилган ишончини оқлашади бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз. Олдинда бизни забт этишимиз керак бўлган улкан марралар кутяпти. Демак, тўхташ йўқ,

Мусиқий машғулот соати эндигина тугаган, саф тортган болакайлар галдаги машғулотлар сари ошқарди. «Жонли ва жонсиз табиат билан танишув», «Билиб қўйган яхши» каби мавзуларда тайёрланган деворий газеталар беихтиёр эътиборимизни тортиди. Билсак, шу кун билан таварак атроф бўйлаб сайр қилиб, она табиатга бўлган беғубор тасаввурларини бойитишаркан. Дарс давомида теваварак-атроф, дов-дарактларни асраб-авайлаш бўйича суҳбатлар тингланиб, расмлар орқали экологик ўйинлар ҳам ўтказилди. Айниқса, «Куз фасли» расмлар кўргазмаси машғулотнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Суви ифлослантормаслик, одоб-ахлоқ мавзусидаги суҳбатлар, ҳазонларни ёқмаслик, унинг салбий оқибатлари жажжи қалб соҳибларига тушунтириб берилди. Шу кун Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари, музейларига саёҳат ташкил этилиб, болаларнинг тасаввури бойитилди. Бундан тарбияланувчилар у ёқда турсин, уларнинг ота-оналари ҳам ниҳоятда қувонди. Чунки, улар фарзандининг келажоғи бугундан бошланаётганини ҳис этишди. Ота-оналар уйга қайтишаркан, фарзандлари ка-

молидан кўнгиллари тўлиб, боғча мудираси Дилором Мамедовага ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Мактабгача таълим муассасаси шаҳар рейтингини бўйича 1-ўринда туради. 12 та гуруҳдаги 400 нафар болажонларни Барно Аҳмедова, Шарифа Самандарова, Светлана Умарова, Тўхтабону Козимова, Сайёра Жаъфарова, Нигора Бобоҷонова, Мавжуда Латипова, Нилуфар Мавлонова сингари 24 нафар тарбиячи ўз фарзандидек парвартишлаб келмоқда. Мактабгача таълим муассасаси Самарқанд чет тиллар институти ва Самарқанд вилоят педагог — ходимлари малакасини ошириш институтининг таянч муассасаси ҳисобланади. Шунингдек, Самарқанд олий ҳарбий автомобиллар муҳандислик академияси ҳамкорлигида қатор тадбирлар ҳам уюштирилади. Муассасада болажонларни жисмоний чиққатириш, спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. — Атрофимизда спорт мактаблари ва иншоотлар кўпайиб кетган, бундан ташқари спорт секция ва тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишда кулай имкониятлар мавжуд, - дейди муассаса мудираси Ди-

нинг шинам ва зарур шарт-шароитга эгалиги боланинг кайфиятига таъсир қилиб, дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади. — Боғчамиз тарбияланувчиларини мактабга тайёрлаш, уларнинг онгини ўстиришга хизмат қилувчи барча шароитлар етарли, - дейди мудира Дилором Мамедова. — Мактабгача тайёрлов гуруҳлари учун инглиз тили, театр ва бадий адабиёт, мини футбол, компьютер тўғрисидаги маданий қадриятлар ҳақида тушунчалар бериб борилади. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни қўллаш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун моддий база мустаҳкамланмоқда. Бу борда «Саттепо» ва «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ота-оналарнинг ёрдамлари катта бўлмоқда. Таълим-тарбия бошдан, деганларидек, жамиятнинг илк тарбия ўчоқларидаги бундай ўзгаришлар ижобий натижалар бераётгани кишини қувонтиради.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Фаолият

Болалар спорти

бугунги кунда юртимизда нафақат ақлан, балки жисмонан камол топган ёшларни вояга етказиш давлатимизнинг доимий диққат-марказида

Болалар спорти соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, Президентимиз таъкидлаганидек, олдимишга қўйган буюк мақсадга эришиш, яъни баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етайётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кунга айлантириш, Ўзбекистон довруғини дунёга танитишда беқиёс аҳамият касб этади.

Шу маънода, Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани «Республикамиздаги спорт иншоотлари ва таълим масканларини спорт анжумани билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечим» мавзусига бағишланди. Унда Халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори, вазирлиқнинг мутасадди бошқарма ва бўлим бошлиқлари, устоз ва мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги йилларда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўплаб спорт иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жорий йил қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган иншоотлар 82 турдаги 4,1 млрд. сўмлик спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Фойдаланишга топширилган мазкур спорт иншоотларининг аксарияти қишлоқ жойларда барпо этилган. Натижада

спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар сафи сезиларли даражада ортди. Спорт мусобақалари ўтказиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 46 та республика миқёсидаги спорт мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларга 4266 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилди.

Бугунги кунда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз иқтидор ва маҳоратларини тинмай ошириб бораётган ёшларимиз спорт соҳасида ватанимиз терма жамоалари таркибининг асосини ташкил этиб, халқро мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Спортчиларимиз хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган 39 та халқаро миқёсдаги қатор спорт турлари бўйича 439 нафар (100 нафари қизлар) ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Ушбу халқро мусобақаларда иштирок этган ёшларимиз 235 та медалларни кўлга киритди. Бундан ташқари, жамғармининг минтақавий филиаллари томонидан барча ҳудудларда 7145 та спорт тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбирларда 1498218 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этган. Уларнинг 823432 нафарини қизлар ташкил этади.

Анжуманда аҳоли, айниқса, ота-оналар ўртасида фарзандларни спортга жалб этишдаги сафарбарлик ролини оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг йўналиши, шакли ва услубий жиҳатларига эътибор қаратилди. Шунингдек, муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимига оид масалалар бўйича берилган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Анжуман

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар

фаолияти тартибга солинади

Миллий матбуот марказида Интеллектуал мулк ва «Узрхив» агентликлари ҳамкорлигида «Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари: тажриба, муаммо ва ечим» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2005 йил 19 апрелда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида асосий халқаро шартномалардан бири бўлган - адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилди. Ушбу ҳужжатга мурофиқ Берн конвенциясига аъзо давлатларда яратилган асарлар муҳофаза қилиниши назарда тутилган. Тадбирда таъкидланганидек, 2006 йил 20 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунига мурофиқ муаллифлик ҳуқуқи таркибидagi фан, адабиёт ва

санъат асарларини, турдош ҳуқуқлар таркибидagi ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабел орқали кўрсатув, эшиттириш берувчи ташкилотларнинг уларни яратиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти тартибга солинди.

Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари, асарлар, турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга бўлган талаблар, муаллифлик шартномаси институти, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар вазифаси ва функциялари, фойдаланувчилар ва аҳолининг кенг

қатламлари орасида ҳуқуқий маданиятни янада ошириш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини инобатга олиб соҳага оид халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда давлат архивларида миллий архив фондида киритилган бошқарув ҳужжатлари билан бир қаторда муаллифлик ҳуқуқи объекти саналган ҳужжатлар ҳам сақланади. Миллий архив фондининг мазкур сегментидаги муаллифлик ҳуқуқи объектларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш архивлардан чукор ёндашуви, айниқса, мазкур ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий муносабатларини янгилаш ташкил этиш борасида сўз борди.

Тадбир якунида иштирокчилар мавзу юзасидан берилган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Тўмарис АбЗАМ

Огоҳлик

Мақсад — ёнғин ҳолатларини камайтириш

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлги давом этмоқда. Ойлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлгини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ҳар йили ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб ўтказилади.

Бу давр мобайнида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мурофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш

бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Ойлик доирасида қўриқланаётган барча иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўлиқ текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Текширувлар жараёнида биринчи галда биноларда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг, автомат огоҳлантириш тизимларининг мавжудлиги, ёнғин ҳолатида чиқиш йўли хариталари ва ушбу йўлларнинг талаб даражасида эканлиги алоҳида эътибор қаратилди. Ташкилот ва муассасалар раҳбар ҳамда ходимлари, таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғин ҳолатида қўриладиган тадбирлар мавзуларида суҳбат ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Элшод Фатхудинов, Яққасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Қизил дўлана

Юртимизда дўлананинг ўнга яқин тури ўсади. Мева таркибида 3-14 % қанд, 4 % оксил, 2,5% флавоноид, 0,6-1,6 % пектин моддалар, 0,3-0,9 фоизгача органик кислоталар бор.



Бундан ташқари, 370 мг. атрофида С, 250-500 мг. Р, 30 мг. гача каротин, шунингдек, сорбит, холин, флавоон, гликозид, сапонин, фитостерид, ёғ, мой ҳамда ошловчи моддалар учрайди. Халқ табибатида дўлана мевалари билан ич кетиши, иштахасизлик, ревматизм, кўнчиқ, гипертония, тахикардия, юрак касалликлари даволаб келинади. Дўлананинг пишган меваси асабларни тинчлантиради, бадандаги тиришларни йўқотиб, қон айланишини яхшилайди. Уйқусизлик ва диққинафасликка барҳам берибгина қолмай, мияга қон қўйилганда, атеросклероз ҳамда асаб хасталикларидан наф кетиради. Шу боис, замонавий тиббиётда қизил дўлана ёрдамида юрак ва қон томирлар билан боғлиқ касалликлар самарали даволанаёпти. Дўлана бош, кўкрак оғриғи, жигар, қон хасталиклар, холецистит ва гипертониянинг олдини олиш, касалликларга қарши курашиш хусусиятига эга.

БИЛАСИЗМИ?

Сайёраимизда энг совуқ жой Антарктидада қиш кунлари ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича минус 73 даражага етади.

Ливия иқлими ҳаддан зиёд иссиқ ўлкалар сирасига киради. 1922 йилнинг сентябрида бу ерда ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича +57,8 даражага кўсатган.

ТУРФА ОЛАМ

Жавоҳир этик

ГОНКОНГ (ХИТОЙ)ДА ЎТКАЗИЛГАН БИЗНЕС-КЎРГАЗМАДА ОЛТИН ВА ЖАВОҲИРЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН ЭТИК ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ.

Қ и м м а т б а ҳ о пойабзал бельгиялик дизайнерлар, заргарлик компаниялари ҳамда мода институти ҳамкорлигида тайёрланган. Уни кўргазма иштирокчиларига хитойлик мусаввира Ю Чжоу подиум бўйлаб намойиш қилиб берди. Ҳозирча пойабзалнинг аниқ оғирлиги ошқор қилинмаяпти. Бироқ, этикка 4,7 кг. олтин ва 1550 карат жавоҳир кетгани маълум. Этикларни безаш учун жами 39083 та кулранг, оч пушти, ёрқин пушти ва шампан рангли жавоҳир тошлардан фойдаланилган. Пойабзал 39-ўлчамда бўлиб, европача андозага мос келади. Жавоҳир этик қимматбаҳо тошлар билан безатилган ягона буюм эса. Тиниб-тинчимас дизайнерлар шу кунгача антиқа буюм ишқибозлари учун туфли, сумка ва либослар ҳам яратишга муваффақ бўлишди.

Кариесга қарши конфет

ОЛИМЛАР ТИШНИ КАРИЕСДАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ КАНДСИЗ КОНФЕТ ЎЙЛАБ ТОПИШДИ.

Манбада келтирилшича, антиқа конфет таркибида ўлб бактериялар бор бўлиб, оғиз бўшлиғидаги зарарли бактерияларнинг ўзаро бирикшиши натижасида тиш кариесга чалиниш хавфидан йироқ бўларкан. Сир эмас, зарарли бактериялар, энг аввало, тиш эмалини емиради. Бу эса алаоқибат кариесни келтириб чиқаради. Олимлар тавсия этаётган конфетларда Mutans streptococci ва Lactobacillus garacasei деб номланувчи зарарли бактериялар мавжуд. Шу боис, ширинлик истеъмол қилинган оғиз бўшлиғида сулак ажралиб, тишларни ювиб туради. Бунинг натижаси ўлароқ, тишлар кариесга дучор бўлмайди. Кариесга қарши конфетлар кўнгилилар иштирокида синовдан ҳам ўтказилди. Натижалар шундай бўлдики, конфет кўнгилиларнинг 75 фоизда кутилган самарани берган. Ҳатто, ундан бир тишланган одамларда ҳам кариес хавфи анча камайгани аниқланган.

Зафар МУХАММАД тайёрлади

Раҳимова Дилбархон Йигиталиевнага тегишли Миробод тумани, Қўйлик-4 даҳаси 37-уй 7-хонадоннинг уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тадбир "Меҳнат бозори"

Ягона Маълумот Тизими дастури ишлаб чиқилди

Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ақтам Хаитов, жумладан, шундай деди:

— БМТ Тараққиёт Дастури доирасида "Бандлиқни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик" лойиҳасига қўл урди. Унда асосан "Меҳнат Бозори" Ягона Маълумот Тизими (ЯМТ) бўш иш ўринлари ва мутахассис кадрлар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш, онлайн қидирув тизими ҳамда мамлакатимиздаги ижтимоий хизматларнинг интерактив харитаси каби қатор дастурлар киритилиши кўзда тутилган. "Меҳнат бозори" ЯМТнинг асосий вазифаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш, ижтимоий муҳофаза, бандлик соҳасига оид керакли маълумотни бериш ва бошқарув қарорлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш фаолиятини автоматизациялашдан иборатдир. "Меҳнат бозори" ЯМТ вазирликка 193 та туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва таъминлаш марказлари фаолиятининг мониторингини олиб бориш, аниқ вақтда жавоблар ва статистик маълумотлар олиш имконини беради. Бўш ва захира иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар онлайн тизимида кўринади. Шунингдек, маълумотлар ҳар ойда янгиланиб борилади. Ҳозирги кунда тизимда 74074 та бўш иш жойлари ва иш қидирувчиларнинг 43397 та резюмеи жамланган.

Тадбир сўнггида вазирлик вакиллари барча иштирокчиларга "Меҳнат бозори" ЯМТ-дан фойдаланиш йўлларини интерактив усулда намойиш этдилар.

Тўмарис АБЗАМ

Маданият хабари

Миллий маданият намойиши Самарқанд шаҳрида республика ва вилоят немис миллий маданият марказлари ҳамкорлигида "Халқлар дўстлиги" фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги немис миллий маданият марказлари вакиллари қатнашди. Иштирокчилар Самарқанд энгил сановат ва иқтисодийет коллежи жамоасининг Star teenager деб номланган байрам тадбири ҳамда "Эл мероси" миллий либрария театри бадиий чиқишларини томоша қилди. Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари немис миллий маданият марказлари вакиллари томонидан тайёрланган миллий куй-қўшиқ ва рақслар намойиш этилди.

Истиқлол иншоотлари



Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар зали

миллий маданиятимизни тарғиб қилишга хизмат қилмоқда



Гўзаллик кўзни қувонтирибгина қолмай, дилини ҳам яйратади. Унга ошно қалб соҳиблари эса умр бўйи эзгу ишларни амалга ошириш иштиёқи билан яшайди. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2006 йили халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданият ва санъат соҳасидаги бебаҳо меросини намойиш қилиш мақсадида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар зали бунёд этилган эди.

Умумий майдони 1113 кв. метрни ташкил этадиган бино замонавий, шу билан бирга миллий услубни ўзида жо қилган монументал ва бетакрор меъморий ечимга эга. Тўрт томонга ўрнатилган, ўймакор усталар маҳсули бўлмиш ёғоч устунлар очиқ галереяни юзага келтиради. Кўргазма залининг айвон шаклида қурилган-

лиги бинога салобат бағишлаб турибди. Инсон руҳини тинчлантирадиган нақшларга бой бу устунлар Ўзбекистон Қаҳрамони, кўқонлик ёғоч ўймақори, уста Абдуғани Абдуллаев бошчилигидаги хунармандлар томонидан ишланган.

Маълумки, юртимизда Хива, Самарқанд, Кўқон, Тошкент ёғоч ўймақорлик мактаблари мавжуд. Хива ёғоч ўймақорлик мактаби ўйма нақшларнинг майдаллиги, новдаларнинг зичлиги, бадиий тузилиши ҳақиқатдан ўйноқлиги, яъни новдаларнинг спиралсимонлиги билан ажралиб туради. Самарқанд ёғоч ўймақорлик мактаби нақш намунасининг мураккаблиги, ўсимликсимон гириҳ ва гулли гириҳ нақшларининг кўп ишлатилиши ҳамда ўйма юзасининг ранглилиги билан тафовут қилади. Кўқон ёғоч ўймақорлик мактаби эса ўйиб бажарилган санъат асарининг монументаллиги, йириклиги, ўймаларнинг чуқурлиги, кўп қаватлилиги, ўйилган юзанинг фақат юзига тўқроқ ранг бериб кейин ранг берилишига қараб фарқланади.

Маъмура миллий меъморлик санъати намуналарини ўзига хос тарзда акс эттирган бўлиб, муҳандислик ечимини, устунлар, ички ва ташқи безакларнинг бетакрорлиги билан кишини лол қолдиради. Бундай бетак-

рор бино ва иншоотларнинг барпо этилиши Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда тобора юксалиб бораётганининг яққол исботидир.

Кўргазма зали ландшафт дизайнининг замонавий анъаналарини ўзида жо қилган 20 гектарга яқин яшил ҳудуднинг қоқ марказида жойлашган. Боғ майдонидаги яшил арчалар, бир-биридан гўзал ва ранг-баранг гуллар шундай экилганки, уларнинг гўзаллиги ва таровати бу ерга келувчиларнинг баҳри дилини оқади. Бинонинг ички қисмидаги самонанд гумбаз мусаффо осмонимиз, ёруғ умидлар ва буюк келажакнинг рамзи сифатида томошабинда катта таассурот қолдиради.

Залининг чап қисмида Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев томонидан яратилган нақшинкор сўри инсон қўллари мўъжизалар яратишга қодир эканлигини яна бир қарра исботлайди. Ўсимликсимон исмилий нақшлар билан безатилган ушбу сўри шарқона композицияга эга бўлиб, унинг яна бир ўзига хос жиҳати майда бўлақларга ажралишидир. Бу

сўрини бир ердан иккинчи жойга кўчиришда анча қулайлик яратади.

Ўтган қисқа вақт давомида кўргазма зали нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларни ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Бу эса кундан-кунга бой тарихий меросимизга, миллий маданиятимиз дурдоналари ва замонавий санъат асарларига қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир. Чунки ушбу санъат марказида тасвирий, амалий ва халқ хунарамандчилиги санъати йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар асарлари асосида миллий истиқлол гоёси, эркин ва фаровон ҳаётимизни тараннум этадиган, анъанавий санъатимиз ва қадриятларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотадиган, доимий янгилашиб турадиган кўргазмалар ташкил этиш йўлга қўйилган. Маданият ва санъат кўргазмаси зали миллий ва жаҳон санъатининг ноёб дурдоналарини тарғиб қилишга, маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашга, ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қиладиган ноёб маданий марказга айланиб улгурди.

Бугунги шиддатли техника тараққиёти асрида дунёни гўзаллик қутқариши айна ҳақиқатга айланди. Гўзал бинолар, бетакрор санъат асарлари, ҳамма-ҳаммаси инсоннинг кўнгли торларини чертиб, уни ҳайратлар оламига етаклайдиган воситалардан биридир. Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар зали бундан кейин ҳам ана шундай гўзаллиқни ўзида жо этган масканлардан бири бўлиб қолаверади.

Назира БОЙМУРОДОВА Муаллиф олган суратлар

Анъаналар давом этмоқда

ОМОН БЎЛСИН БОШИНГИЗ

Дўппи тикдим ипақлари тиллодан, Ипақлари деманг зари тиллодан.

Орадан ярим аср вақт ўтса-да, бу қўшиқ ҳақиқий санъат шайдоларининг кўнглидан ўчиб улгурмаган. Ҳар гал шу қўшиқни эшитишнинг биланқоқ раҳматли момонинг қадқоқ кўллари билан тиккан дўппи ва сумкачалари ёдимга тушаверади. Эсимда, мактабнинг биринчи синфинга борганимда "Болам бошинг омон бўлсин" дея жажжигина дўппи совға қилганди. Орадан йиллар ўтса-да, бу совганинг момондан ёдгорлик дея доимо ёнимда олиб юрман. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг ўзлигини намоеён этувчи миллий кийимлари бисёр. Ҳиндистон ранг-баранг, кўзни қамаштирувчи сарилари билан дунёга машҳур бўлса, халқимизнинг хон атласиню дўппилари ҳали-ҳануз жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Қашқадарё воҳаси, хусусан, Шахрисабз шаҳри азал-азалдан ўз касбининг моҳир уста-хунармандлари билан донг таратган. Кўз нури-ю қалб кўридан яралган бундай зар дўппиларни воҳанин моҳир чевари, хунарманд аёл Хурсаной опа ҳам тикади. Университетни олий баҳоларда тамомлаган опамиз хунарга бўлган чексиз меҳри туфайлими ўзини шу

ишга бағишлаган. Биз опани иш устида учратиб, суҳбатга тортдик.

— Хурсаной опа, дўппи тикишда, асосан, нимага эътибор қаратилади?

— Ҳар бир нарса, энг аввало, хунарманддан сабр, ўз касбига чексиз меҳрни талаб қилади. Дўппи учун эса оддий оқ доқа, турли хил рангдаги ипақлар, қора рангли мато, астарлик, ярим литр ичимлик суви, бир қошиқ ун, игна ва ангишвона керак бўлади.

— Оддий доқани бежирим дўппи ҳолига келтирувчи қадар мато қандай босқичлардан ўтказилади?

— Ишни дастлаб оқ доқани яхшилаб қотириб олишдан бошлаймиз, ярим литр қайнаб турган сувга бир ош қошиқ ун солиб аралашма тайёрланиб доқа унга ботириб олинади. Бироз фурсатдан сўнг доқа силкитиб дорга ёйиб қурилади. Қуриган доқани диаметри 21-23 см. доира шаклида кесиб олинади. Бу тикаётган дўппимизни тепа айлана қисми ҳисобланади. Ён девори узунлиги 55-56 см. эни эса 9-10 см. бўлади. Қирқиб олинган доира қора матонинг устига чет қисмидан тикилади ҳамда оқ доқанин устидан ручка билан турли гуллар, қалампир мунчоқлар сурати чизилади. Чи-

зилган расмлар устидан қора табиий ипақ билан XXXX шаклида тикилиб гулларнинг ҳар чети қора ип билан тикилгандан сўнг уларнинг ички қисмига рангли ипақлар билан безак берилади. Масалан, гуллари қизил, пушти рангда бўлса гул барглари учун эса ашил ранглардан фойдаланилади. Гажақ қалампирмунчоқларимизни ичи тўлдирилиб, оралиқда қолган очик жойлар оқ ранг билан тўлдирилади. Охирида астар қўйилиши билан ишимиз ҳам яқунланади. Хурсаной опа гапни тугатгач, юзларидан мамнунлик, тинчликка бошлаган шукроналик ҳисси зоҳир бўлганини сездик. Камтарга камол деганларидек, хунарманд опамиз бир неча кўрик-танловлар голиби бўлсалар-да, уларни ҳеч бирини айтишни жоиз билмадилар. Хунарим, меҳнатим меваси эвазига беришган ютуқларим ҳақида гапирсам, назаримда, изланишдан янада тепақоқдаги омад чўққиларини забт этишдан тўхтагандек туюлади, деб қўя қолдилар. Мўъжазгина устахонадан олам-олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, яна момонинг "Дўппи кийган бошларимиз доим омон бўлсин" деган сўзлари хаёлимдан ўтди.

Асила ИБРАГИМОВА